


*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 10-aprel, shanba, 42 (23.478)-son


**Кун ҳикмати**

Бировга ўргатиш, ибрат бўлиш, илм олиш ва маҳоратини оширишдан оғирроқ юмуш. Шу сабабли ҳам ҳамма устоз бўла олмайди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ҚАРОРИ***

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламлиислоҳотлар натижасида барча соҳалар қатори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини, ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан кутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар.

Ушбу муборак ойнинг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 13 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 8 апрель*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ:**
– Жуда оғир йилларда яшаяпмиз. Ҳар куни изланиш, интилиш ва пировард мақсадга ишлаш керак. Тадбиркорни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратмасак, тадбиркорларни кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларда маҳаллий бюджет кўпаймайди-ку?! Биз қанчалик кўп маблағ бермайлик, фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди.

# Амир Темур меросининг қадри баланд



**Самарқандда буюк саркарда Амир Темур таваллуд топган кун кенг нишонланди.**

Соҳибқироннинг 685 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирлар Амир Темур мақрабасини зиёрат қилиш билан бошланди. Буюк бобокалонимиз хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Тадбир иштирокчилари – вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳарбийлар, нуронийлар ва ёшлар томонидан Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шундан сўнг Соҳибқирон таваллуд топган кунга бағишланган тадбирлар таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар маданий-маърифий кечалар билан давом этди.

**Шаҳло НЕЪМАТУЛЛАЕВА,**
**Бахтиёр РУСТАМОВ (фото).**

# Масъулларнинг ҳисоботи эшитилди

**9 апрель куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма саккизинчи сессияси ўтказилди.**
**Сессия ишини Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.**

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ СЕНАТ РАИСИ НАЗОРАТИДА

Сессияда дастлаб Каттақўрғон шаҳар ҳокими Г.Алимова Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “2020-2022 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланишича, қарорга асосан 2020-2022 йилларда шаҳарда 204 лойиҳа доирасида 1 триллион 103 миллиард 599 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2020 йилда саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда 81 лойиҳа амалга оширилиб, 170 миллиард 217 миллион сўмлик инвестициялар жалб этилган. Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 11,7 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа бажарилган. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича 7,6 миллиард сўм эвазига 6 та лойиҳа амалга оширилган.

– Вазирлар Маҳкамаси қарорининг барча бандлари ҳам бирдек бажарилаётгани йўқ, - деди Г.Алимова. – Мисол учун, “Ипотека-банк”ка “Ингичка” қўрғончаси ҳудудидаги кичик саноат зонасига мавжуд табиий ва хомашё захираларидан самарали фойдаланган ҳолда травертин, гипсокартон, гипс боғлагичларини ва мармар тошларни қайта ишлаш лойиҳаларини 2020 йил якунига қадар жойлаштириш чораларини кўриш топширилган эди, аммо бу иш ҳали бошланмади. Шу ва бошқа бир қатор масалалар республика вазирлик ва идоралари билан боғлиқ бўлгани сабабли бу ҳақда Олий Мажлис Сенати раиси, Каттақўрғонда ўрганиш ишларига бош бўлган ишчи гуруҳ раҳбари Т.Норбоевага маълумот киритганмиз ва қарор ижроси Сенат раиси назоратида турибди.

### КЎРСАТИЛАЁТГАН ЁРДАМНИ АҲОЛИ ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ КЕРАК

Сессияда вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Жумаеванинг давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юзасидан, вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жабборовнинг 2021 йилда янги иш ўринлари яратиш прогноз кўрсаткичларини белгилаш бўйича ҳудудлар ва йўналишлар кесимида манзилли дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

– Қарор асосида вилоятимизда 21 нафар вакиллардан иборат вилоят хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши таркиби ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган, – деди С.Жумаева. – Ушбу режа ҳамда жойларда ўтказилган хатлов натижасида 34 минг 939 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”-га киритилди ва уларга тўққиз тоифага ажратилган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бугунги кунга қадар ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож 8537 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. 6 нафар уй-жойга муҳтож хотин-қизларга бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди, 44 нафар аёл ижара шартномаси асосида, 6 нафар аёл ижтимоий уй билан таъминланди.

Бундан ташқари, 1979 нафар хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилди, 954 нафарига Халқ банки томонидан кредитлар ажратилди ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди.

*2-саҳифа* »»

**Аҳмаджон БОБОЖОНОВ, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:**



# Аҳоли тажрибадан ўтаётгани йўқ!

Бу йил коронавирус хасталиги ўтган йилгидан кўра бирмунча бошқачароқ кечмоқда. Хусусан, ўтган йили вирус юқтирган беморларнинг тана ҳарорати 39 даражагача чиқиб, жуда қисқа фурсатларда ўпка яллиғланиши кузатиларди. Бу йил эса ушбу хасталикка чалинганлар 37 даража ҳарорат ва асосан ич кетиш белгилари билан мурожаат қилмоқда. Айни пайтда ҳам барча поликлиникаларда коронавирусга қарши курашиш бўйича штаблар ишлаб турибди. Иситма билан мурожаат қилган аҳоли рўйхатга олиниб, бу ҳақда вилоят штабига хабар берилмоқда.

Тиббиёт муассасасида даволанишга эҳтиёжи бўлган беморлар учун вилоят юқумли касалликлар шифохонасида махсус жой ажратилган. Унда вирусни даволашда етарли даражада малакага эга мутахассислар фаолият олиб боряпти.

Айтиш керакки, коронавирус хасталиги кўпайиб кетишининг олдини олиш учун аҳоли аввал белгиланган қоидаларга, яъни ниқоб тақиб, антисептик воситалардан фойдаланиш, масофани сақлашга қатъий риоя қилиши лозим. Қолаверса, ўтган йили ёз фаслида кўтарилган тўлқин яна такрорланмаслиги учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида вакцинация ишлари олиб борилмоқда. Бугунга қадар Самарқанд шаҳрида 6 мингдан зиёд аҳоли вакцинациядан ўтди. Уларнинг бирортасида вакцина ножўя таъсир кўрсатгани йўқ. Вакцина олганлар қайси вакцинадан фойдаланганлиги, ўша пайтдаги тиббий кўрсаткичлари, барчаси электрон базага киритилмоқда. Ҳар поликлиникага вакцинация пайти эҳтиёт чораси сифатида реаниматолог ва қўшимча тиббиёт мутахассислари бириктирилган.

Ижтимоий тармоқларда нафақат бошқа касб, балки баъзи шифокорларнинг ҳам вакцинацияга нисбатан билиб-билмай турли фикрларни билдириши афсусланарли. Ўзи шифокор бўлатуриб, бу ҳолатга ноўрин фикр билдириши унинг савиясини ҳам кўрсатиб қўймоқда. Таъкидлашни истардимки, вакцинация олаётган аҳоли тажрибадан ўтаётгани йўқ. Ушбу вакцина бир неча ойлаб синовдан ўтиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияси асосида амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунинг учун вакцинага нисбатан ҳар қандай шубҳалар асоссиздир.

**COVID – 19**

**Самарқанд шаҳрида бугунги кунга қадар 6 мингдан ортиқ аҳоли коронавирус инфекциясига қарши эмланди. Эмлаш учун Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган “Aztra Zeneca” вакцинаси ва Хитой билан ўзбек олимлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси ишлатиляпти. Вакцинация давлатимиз томонидан бепул асосда амалга ошириляпти, фуқаролар вакцина олиши мажбурий эмас.**

# Эмлаш ихтиёрий, бепул. Аммо...

Бугунги кунда режа асосида 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли қатлами ва тиббиёт ходимлари эмланяпти.

Эмлаш ишлари босқичма-босқич амалга ошириляпти. Аҳоли орасида чет элда ўқувчи, иш фаолиятини чет элда давом эттирувчи фуқароларимиз ёки хорижга у ёки бу юмуш билан чиқиш истагидаги кишиларга хусусий вакцина марказларида эмлаш ишларини амалга оширишини тавсия этамиз. Хусусий вакцина марказларида эмлаш пуллик амалга оширилади. Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида иккита вакцина маркази фаолият кўрсатмоқда.

**Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ахборот хизмати.**

# Ҳудудий от спорти ва йилқичилик федерациялари ташкил этилади

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда ҳам чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва тегишли бошқармалар масъуллари йилқичилик ва от спорти федерациясининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади. 2021-2025 йилларда от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш режасига асосан, 2025 йилда Инвестиция дастури доирасида вилоятда от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабини ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Давлат-хусусий шериклик асосида камида битта от спорти клуби ташкил этилади. От спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби базасида ипподром, шунингдек, тегишли ҳудудий от спорти ва йилқичилик федерациясини жойлаштириш учун бино ажратилади.

«««« Хушхабар »»»»

# МЎМИНЖОН АБДУЛЛАЕВ



## ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

**Спортчимиз кеча Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Токио олимпиадасига йўлланма берувчи турнирда 130 килограмм вазн тоифасида Олимпиада ўйинлари лицензиясига эга бўлди.**

Унинг бу ғалабага эришишида мураббийлари Шароф Маматқулов ҳамда Толиб Назаровнинг ҳиссаси катта.

Кўп карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ҳамда Осиё ўйинлари ғолиби, икки карра Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Мўминжон Абдуллаев 1989 йилда Булунғур туманида туғилган.

- Мўминжоннинг финалга чиқиши унга Олимпиада ўйинлари йўлланмасини берди, - дейди мураббий Шароф Маматқулов. – Ярим финалдаги хитойлик рақиби ҳам анча тажрибали экан, шундай бўлса-да, ғалабага эришдик. Албатта, финалдаги ғалабаси ҳам муҳим, унинг рейтинг очкосига қўшилади. Муҳими, шогирдимиз учинчи бор Олимпиадага борадиган бўлди.

**Ҳусан ЭЛТОЕВ.**

# Масъулларнинг ҳисоботи эшитилди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар “Аёллар дафтари”га киритилган яна 7 минг 408 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади. Хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан 181,4 миллиард сўм маблағ ажратилади. Оғир турмуш шароитида яшаётган уй-жойга муҳтож 120 нафар аёлга бошланғич бадал пуллари тўлаб берилади.

2021-2022 ўқув йилида олий ўқув юртига кирадиган, ота ёки онасидан бири вафот этган, шунингдек турмуш ўртоғи вафот этган хотин-қизлардан 100 нафарининг контракт тўлови вилоят ҳокимлиги, 61 нафариники олий ўқув юртлари томонидан тўланиши белгиланган.

Вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жабборов йилнинг биринчи чорагида 7630 та лойиҳаларда 9045 та янги иш ўринлари ташкил этилганини таъкидлади. Ҳисобот даврида 6975 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилган, 2530 нафар аҳоли жамоат ишларига жалб қилинди, 3710 киши касб-ҳунарга ўқитилди, 298 нафар ишсиз ва кам таъминланган фуқароларга иссиқхона қуриб бериш, уруғ ва кўчатлар сотиб олиш ва суғориш воситаларини харид қилиш мақсадида субсидиялар ажратилди.

Бошқарма бошлиғи белгиланган йўналишлар бўйича йил охирига қадар яна қанча иш ўринлари яратилиши, жамғармалар томонидан бериладиган кредитлар ва давлат субсидиялари ҳақида маълумот берди.

Депутатлар икки масъулдан ҳам рақамлар эмас, кўпроқ амалий ишлар ҳақида маълумот беришни сўради. Кўрсатилаётган ёрдам, давлат эътиборини оддий, оғир турмуш шароитида яшаётган одамлар ўз ҳаёти мисолида ҳис қилишига эришиш муҳимлигини таъкидлади.

### ФУҚАРОЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛГАНМИ?

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ф.Шайзаковнинг ҳисоботини ҳам эшитди.

– Кенг жамоатчиликнинг фикрларидан келиб чиқиб, асосий фаолиятимизни фуқароларга кўмак беришга йўналтириш ҳамда коррупцион омилларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз, – дейди Ф.Шайзаков. – Вилоят ҳудудида доимий рўйхатдан ўтмаган, вақтинча истиқомат қилиб келаётган ёки узоқ муддат давомида хизмат сафарида бўлган фуқароларнинг автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва давлат рақам белгиларини беришда аҳолига қулайлик яратилмоқда. Фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Самарқанд шаҳридаги, Каттақўрғон, Самарқанд, Оқдарё туманларидаги рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим ва бўлинмаларида амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказига ҳам миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун компьютер, суратга олиш ва чоп этиш мосламалари келтирилди. Вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузуридаги рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим ва бўлинмаларида ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан инсон омилисиз, ошкоролик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш мақсадида электрон имтиҳон дастурлари орқали синовлар олиниши йўлга қўйилган.

2021 йил 1 апрелдан ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига барча тоифадаги автомототранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Депутатлар тизимда йўлга қўйилаётган янги тартиблар ва ҳамда вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга Ф.Шайзаковдан жавоблар олди.

Сессияда Кенгаш ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мулоҳаза учун мавзу

# ҒИЛДИРАК ичидаги олмахон

## ёки нафснинг чексиз йўли

**Биринчи воқеа:** Бир дона бошоқни топиб олган чумоли уни минг машаққат билан уйига судраб бораётиб, йўлда каламушни учратиб қолибди.

– Ҳа, оч қолдингми, меникига бормайсанми, бунақа донлардан бир нечтасини бериб юборардим, - дебди у чумолига.

– Менга шу бир бошоқ дон ҳам етади. Чунки мен яшаш учун овқатланаман, сенга ўхшаб қорин тўйдириш учун яшамайман, - деб жавоб берган чумоли.



**Иккинчи воқеа:** Отақул Жумаев қишлоқнинг олд йигитларидан эди. Нима бўлди-ю, бир гуруҳ қишлоқдошларини олиб Россияга ишга кетди. Ўша ерда қурилиш ишларида одамларни ишлатиб, даллолик қилиб анчагина сармоя тўплади. Жамғарган пуллари эвазига қишлоқдан данғиллама иморат қурди, қўша-қўша машина олди.

Аммо бу ишларнинг “миси” чиқди. Уйига қўшни қишлоқлардан бир гуруҳ йигитлар келиб, хорижда ишлаган пулларини талаб қилишди. Аниқланишича, Отақул мусофир юртда юртдошларининг ҳалол меҳнат, минг машаққат билан топаётган пулларига кўз олайтирган, уларни ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган экан.

Жанжал нима билан тугаганлиги номаълум. Фақат эндиликда Отақул инсульт олганлиги туфайли бир оёқ, бир қўли ишламайдиган, зўрға гапирадиган ногирон бўлиб қолган. Ҳашаматли дарвозаси олдида кўчадан ўтаётган одамларга қараб, ўйга чўмиб ўтирганини кўп кўраман.

**Учинчи воқеа:** Яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида шов-шувларга сабаб бўлган бир иш кўриб чиқилди. Бу гал қора курсида ўтирганлардан бири – уюшган жиноий гуруҳ бошлиғи, ички ишлар ходими, яъни профилактика инспектори эди. Маълум бўлишича, профилактика инспектори 2017 йилнинг август ойидан 2018 йилнинг июнь ойигача жиноий шериклари билан олдиндан тузилган режа асосида бировнинг номусига текканлик айбини қўйиш орқали фуқароларга таҳдид қилиб, мунтазам равишда таъмагирлик билан шуғулланиб келган.

Суд ҳукмига кўра, собиқ ички ишлар ходими 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг жиноий шериклари ҳам 5 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Чумоли ва каламуш, Отақул даллол ҳамда зинокор гуруҳнинг бир-бирига нима алоқаси бор экан, дерсиз.

Ҳа, баракалла, тўғри пайқаганингиздек, юқоридаги воқеаларни бир-бирига “нафс” деган балои азим боғлаб турибди. Ҳозир айрим одамлар молпарастлик, истеъмолчилик кайфиятининг қули бўлиб қолган, “яхши яшаш - тўйиб ейиш ва пўрим кийиниш, шоҳона уй, қўша-қўша машинадан иборат” деган бемаъни ва поёни йўқ ғояга кўр-кўрона сиғинмоқда.

Ана шу интилиш эса уларнинг қалбида пул топиш, топганда ҳам кўпроқ топиш васвасасини келтириб чиқаряпти. Айтайлик, олийгоҳ муаллими пул топиш учун бадавлат оилалардан чиққан талабаларни имтиҳонларда “қийнамай”, пулини олиш илинжида бўлади. Шифокор операция столида ётган беморни эмас, у қанча пул беришини ўйлайди. Туғруқхона ҳамшираси қувончдан эсанкираб қолган отани «шилиш» пайида бўлади. Мактаб муаллими эса болаларнинг ота-оналарига синфга ҳали уни, ҳали буни оламиз, деб “чопар” жўнатади.

Пул топиш учун баъзи бировлар ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳалол ва ҳаромни ажратмайдиган, гуноҳлардан қўрқмайдиган бўлиб боряпти. Пул топиш дарди уларни китоб ўқишдан, маърифатдан узоқлаштирмоқда. Бундан ташқари, бундай истеъмолчилик кайфиятига зўр бериш орқали инсон онгини ҳар мақомга солиш имкони пайдо бўлади. Чунки жоҳил, нодон, қолоқ ва оми одамларни алдаш ҳам, бошқариш ҳам осон кечади.

Шу ўринда цирк майдонида ғилдирак ичида чопаётган олмахон беихтиёр хаёлга келади. Эътибор қилган бўлсангиз, олмахон манзилига етиш мақсадида тинимсиз чопаверади, аммо ғилдиракнинг охирги чегараси бўлмагани сабабли олмахон асло мақсадига етолмайди. Чунки ғилдирак яна айланиб унинг оёқлари тагидан ўтаверади. Юқоридаги кишиларнинг фикри-зикри ҳам ҳозирда ана шу ғилдирак ичида чопаётган олмахон каби “яхши яшаш”, бунинг учун кўпроқ пул топиш, пул топиш учун эса маънавий дунёни бой бериш каби беҳуда пойгада ғолиб чиқиш бўлиб қолган.

Дарвозаси ёнида одамлар оқимини кузатиб ўтирган Отақулни, бир дона бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрсам, ёки нафс гирдобига тушиб қолган одамлар ҳақидаги гапларни эшитсам хаёлимга негадир ғилдирак ичидаги олмахон келаверади, келаверади...

**Ёрмамат РУСТАМОВ.**

# АДВОКАТ иштирокининг тартиби ва ҳуқуқлари

## Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда аниқлаштирилиши керак

Жорий йил 12 январда “Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, маъмурий суд ишларини юритишда назорат инстанцияси тугатилиб, апелляция шикоятларини беришнинг янги тартиби киритилди ҳамда кассация шикоятларини бериш, уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари ўзгарди.

Яъни жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судининг қарори устидан апелляция ёки кассация шикояти (протест) бериш тартиби такомиллаштирилди. Аммо қонунчиликда апелляция ва кассация инстанциялари суди мажлисида адвокатнинг иштироки ҳақида тўғридан-тўғри маълумот келтирмаган.

Бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Апелляция инстанцияси судида иш юритиш”ни назарда тутувчи параграфидаги 324-7-моддасига мувофиқ, апелляция суди мажлисида ҳозир бўлган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакили сифатида иштирок этаётган адвокат иш юзасидан тушунтириш бериш, илтимосномалар тақдим этиш ҳамда суд музокараларида қатнашиш имкониятига эга бўлади, деган хулосага келинади.

“Кассация инстанцияси судида иш юритиш” тартибини белгиловчи параграфидаги 324-21-моддасида кассация инстанциясида адвокат томонларнинг вакили сифатида иштирок этиб, суд мажлисида тушунтириш беришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 324-25-моддасида назарда тутилган қоида адвокатнинг такроран кассация тартибида шикоятни кўриш жараёнида қатнашиши мумкинлигидан далолат беради.

Бироқ қонунда адвокатнинг апелляция, кассация ва такроран кассация инстанцияларидаги иштироки ҳақидаги аниқ кўрсатмаларнинг йўқлиги иккиламчи фикрларнинг келишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, жабрланувчининг вакили ёки ҳуқуқбузарнинг ҳимояланувчиси сифатида адвокат иштирокининг тартиби ва ҳуқуқларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда аниқлаштириш лозим.

Берилаётган ушбу таклиф маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг ҳимояланиш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишни таъминлайди ҳамда ҳимоячининг (вакилнинг) процессуал имкониятларини кенгайтиради.

**Рафиқ ШАКУРОВ,**
**Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, доцент.**

# Каттақўрғонга 5 миллиард сўмлик сув тежовчи технология келтирилди

**Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори билан 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар белгиланди.**

Мазкур қарор ижроси доирасида Каттақўрғон туманидаги "Amina gold invest" масъулияти чекланган жамияти кластер корхонаси томонидан Туркиядан қиймати 5 миллиард сўмлик сув тежамкор технологиялар келтирилди. “AGROBANK” АТБ Пайшанба филиалининг молиявий кўмагида келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида 2 минг гектар майдонда сув тежамкор ускуналар жорий этилади.

Жорий йилда тумандаги 207 та фермер хўжалиги ва кластер корхоналарининг 7 минг 314 гектар пахта, 415 гектар узум, 250 гектар мевали экинлар ва 4 гектар бошқа экин майдонларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, минг гектар экин майдонини лазерли ускуна ёрдамида текислаш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилган 1 гектар майдонга субсидиялар ажратиш белгиланган. Унга кўра:

- пахта ва узум плантацияларига – 8 миллион сўм;
- мевали экинларга – 6 миллион сўм;
- озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларга – 2,5 миллион сўм;
- сабзавот экинлари ва картошкага - 1,5 миллион сўм;
- полиз экинларига – 1,3 миллиион сўм миқдорида субсидиялар ажратиш белгиланди.

Агарда сувни тежайдиган суғориш технологияларидан мавсумда фойдаланилмаса, ажратилган субсидия давлат бюджетига қайтарилади.

Мисол учун, биринчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 100 фоизи, иккинчи йилда 80, учинчи йилда 60, тўртинчи йилда 40, бешинчи йилда эса субсидиянинг 20 фоизи давлат бюджетига қайтарилади.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш учун инспекциянинг Каттақўрғон туман бўлими томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежамкор ускуналар ўрнатилиши юзасидан 86 та назорат тадбири ўтказилди. 5 та камчиликка йўл қўйилган ҳолат бўйича ҳуқуқий таъсир чораси кўрилди.

- Белгиланган дастурга асосан, 2021 йилда вилоятдаги 800 та фермер хўжалиги ва кластер корхоналарининг 30 минг 573 гектар ер майдонида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилиш режалаштирилган, - дейди агроинспекциянинг вилоят бошқармаси катта инспектори Аваз Очилов. - Шундан 29 минг 473 гектар томчилатиб суғориш, 1 минг 100 гектар ер майдонида ёмғирлатиб суғориш жорий этилади. Ҳозирги вақтда 17 минг 389 гектардаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларида томчилатиб суғориш ҳамда 1 минг 100 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш бўйича ишлар бошланди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси бош инспектори.**

# Қандли диабетда рўза тутиш мумкинми?

**Рамазон ойи келди. Сурункали касалликлар билан оғриган айрим беморлар ҳам рўза тутишга ҳаракат қилишади. Бироқ уларнинг барчаси ҳам куни билан оч юришга қодир эмас.**

Бу касалликнинг зўрайиб кетишига олиб келиши мумкин. Жумладан, қандли диабет билан оғриган беморлар ҳар кунги калория миқдорини етарли даражада истеъмол қилишлари лозим. Таомлари 50 фоиз углевод, 30 фоизгача оқсилларни ташкил этиши керак.

Улар ифторлик қилиб бўлгач, мева ва ширинлик ейишдан ўзини чеклаши лозим. Жумладан, таркибида юқори миқдорда клетчатка бўлган ёрмалар, сабзавот, мева ва сут маҳсулотлари, шунингдек, енгил ҳазм бўладиган углеводга бой маккажўхори, буғдой, ун ва крахмал бўлган таомларни тановул қилманг.

Қандли диабетда етарли миқдорда сув ва шакарсиз ичимликлардан ичиш жуда муҳим. Ширин ичимликлар, консерваланган ёки шакар қўшилган мевали шарбатлар қонда шакарни кўпайтириб юбориши мумкин. Таркибида кофеин бўлган кофе ва чойлардан кам ичиш керак. Чунки улар диуретик пешоб ҳайдаш хусусиятига эга.

Куни билан 10 соатдан ортиқ вақт давомида оч юришга тўғри келишини эътиборга олиб, саҳарликни оқсилга тўйинган ёғли таомлардан иложи борича кечроқ истеъмол қилиш лозим.

Ифторлик (оғиз очиш)ни кўп миқдорда сув ичишдан бошлаш керак. Тананинг сувсизлигини енгиш учун ҳамда қонда глюкоза даражасини кўтариш учун янги узилган мева ейиш тавсия этилади.

Рамазон рўзасини тутишдан 2 ой олдин, шунингдек, рўза тутиш вақтида ва рўза тугагач эндокринолог шифокор-мутахассис билан маслаҳатлашиш жуда муҳим.

**Гулзода НЕГМАТОВА,**
**вилоят эндокринология диспансери бош врачи.**
**Юлдуз АБДУРОЗИҚОВА,**
**эндокринолог.**

# Кимдир сиз туфайли ЯШАБ ҚОЛИШИ МУМКИН!



**Донор сўзининг маъноси ўз организмининг маълум қисмини, аъзосини, қоннинг бир миқдорини бошқа одамга, тиббий эҳтиёжлар учун бериш ҳисобланади. Бу – сўзнинг бор-йўғи луғавий маъноси. Агар унинг маънавий, моддий маъноларига эътибор қаратсак, донорликни саховатпешаликдан ҳам улуғ бир ишга менгзаш мумкин. Сабаби, инсон ҳаётини асраб қолишдан ортиқ хайрли иш бормикан?!**

Ҳар куни республика миқёсида юзлаб, вилоятда ўнлаб турли шошилинч ёрдам кўрсатиш лозим бўлган беморлар бўлади. Инсон бу ҳолатларни ўз кўзи билан кўрмагунча тасаввур қилиши қийин. Соатлар, дақиқалар ичида инсон ҳаётини асраб қолиш лозим бўлган вазиятлар бор. Донорнинг қони эса таркибидаги эритроцит, тромбоцит ва плазма компонентлари сифатида алоҳида ҳолда турли беморларга ёрдам бериши мумкин. 18 ёшдан ошган, вазни 50 килодан ортиқ бўлган, ўзини соғлом деб ҳисобловчи ҳар бир инсон донор бўлиши мумкин.

**Эгамберди ХУДОЯРОВ,**
**Паст Дарғом туман тиббиёт бирлашмаси қон қуйиш бўлими мудири.**

# ХАВФСИЗЛИК техникаси бўйича муҳандис зарурми?



Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низомда меҳнат ва меҳнат муҳофазаси бўйича қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

Унга кўра, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда рейтинг юритилиши, қурилиш ташкилотда ишловчилар билан меҳнат шартномаси тузиш керак. Улар ҳақидаги маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими”га киритиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни тўғри ташкил қилиш лозим. Шунингдек, бу борада ишчи-ходимларни ўқитиб, кўникма ва билимларини синовдан ўтказиб, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиб давлат экспертиза хулосасини олиш керак. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис лавозимини жорий қилиб, унга олий техник маълумотга эга шахсни тайинлаш шарт. Мазкур мутахассис белгиланган тартибда Давлат меҳнат инспекциясидан суҳбатдан ўтказилиб, малака ошириш курсларида қайта ўқитилиши ва малака сертификатига эга бўлиши талаб этилади.

Бу эса корхонада иш берувчи ва ходимлар ўртасида ўзаро низолар ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Жонибек АЗИМОВ,**
**вилоят бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи.**

# Тарихий обидаларни мозийдан сўзлатган фидойи



**Кўҳна Самарқанднинг Регистон майдони билан Бибихоним масжидини боғловчи Ислом Каримов номли кўча аҳли шу ерда жойлашган Қиличевлар хонадонини яхши билишади. Чунки бу уйда умрини Самарқанддаги тарихий обидаларни муҳофаза қилишга бағишлаган Рауфжон Қиличев туғилиб ўсган.**

Р.Қиличев 1951 йилнинг 12 апрелида таваллуд топган. У 1958 йилда 21-ўрта мактабнинг биринчи синфига қадам қўйди. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида таҳсил олди. Олийгоҳни тугатган Рауфжон дастлаб илмий-лойиҳалаштириш институтида лойиҳачи-муҳандис, кейинчалик вилоят тарихий обидаларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўлими раҳбари бўлиб ишлади.

Унинг раҳбарлигида Регистон майдонидаги Тиллокори мадрасасинининг пештоқи, ундаги масжид гумбази тикланди. Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжидларида ҳам меҳмонларни қабул қилиш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш учун шароит яратишда жонбозлик кўрсатди.

Р.Қиличов ташкилотчилигида илк бора Регистон майдонида "Мен Регистон-Самарқанднинг юрагиман" номли рангли-овозли панорама дастури ишлаб чиқилиб, хорижий сайёҳ ва меҳмонларга намойиш этилди. 1978 йилда халқаро "Шашмақом" мусиқа фестивали доирасида "Нодир қўлёзма китоблар", "Шарқ мусиқа асбоблари" кўргазмалари ташкил этилди.

1982 йилда Р.Қиличев янги ташкил этилган музей-қўриқхона бош директори ўринбосари лавозимига тайинлангач, вилоятдаги музейлар ва маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, уларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервация қилиш, тарихий обидалар атрофини ободонлаштириш, туризмни ривожлантириш, халқаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Тиллокори мадрасасида "Самарқанд тарихий обидаларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш тарихи музейи", Ҳазрати Хизр масжидида "Тоштарошлик санъати музейи", Шердор мадрасасида "Мадраса талабаси яшаш шароити" интерьерлари ташкил этилди.

1987 йилда у Самарқанд илмий ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхонасининг раҳбари этиб тайинлангач, корхонани қайта тиклаб, ишлаб чиқариш қувватини янада оширди. Корхонанинг таъмирловчи усталари ва муҳандислари нафақат республикада, балки хорижий давлатлардаги тарихий осори-атиқаларни таъмирлаш ва тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Сирли кошинлар ишлаб чиқарадиган цех-лаборатория Марказий Осиёда ягона бўлган ўзига хос корхонага айланди. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳозирги кунда кўплаб тарихий обидаларни безаб турибди.

Регистон ансамбли негизида ташкил этилган дирекцияга Рауфжон Қиличев раҳбар бўлгач, Мирзо Улуғбек мадрасасининг иккинчи қаватини тиклаш ишларига бошчилик қилди. У туризмни ривожлантириш, меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш мақсадида турли сервис хизматлари ташкил этишда бош-қош бўлди.

2005 йилда 55 ёшида оламдан ўтган Рауфжон Қиличев ҳаёт бўлганида бу йил ўзининг 70-баҳорини қаршилаган бўларди. Унинг руҳи у таъмирлашда иштирок этган тарихий обидалар, шогирдлари, 4 нафар фарзанди ва набиралари, ёру дўстлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

**Раҳим ҚАЮМОВ,**
**Регистон ансамбли илмий ходими.**

**Яқинда қадрдон биродарим, олийжаноб инсон Назар Аҳмедовнинг фарзанди Зафаржон қўнғироқ қилиб: "Бобо, дадам ҳаёт бўлганларида шу йил 11 апрель куни 80 ёшга кирарди. Дадам билан бирга ишлаган дўстлари, шогирдларини таклиф этиб, кичик тадбир ўтказиш ниятим бор. Шунга нима дейсиз?" дея маслаҳат сўради. "Баракалла, жуда савоб, хайрли иш бўлади", дедим. Зеро, падари бузрукворни эслаш, қолаверса, ҳаётда яхши ном қолдирган инсонни ёд этиш – савоб. Назар Аҳмедов умрини эзгу ишларга, одамларга яхшилик қилишга сарфлаган одам эди.**

# Яхшиларнинг ёди асло ўчмайди

У 1941 йилда Оқдарёда туғилди, ўрта мактабни битиргандан кейин Тошкентга бориб, экскаватор заводида ишлади. Кейин армияга чақиришди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Москва қишлоқ хўжалик академиясига ўқишга кирди. 5 йил таҳсил олиб, инженер механик мутахассислигига эга бўлди.



**Суратда:** *Назар Аҳмедов (ўртада) Синдор Ҳамроқулов ва Бектош Раҳимов билан. 1981 йил.*

Назарнинг рус тилини мукаммал ўргангани, етук мутахассис экани Иштихон тумани (ўша пайтда Оқдарё ва Иштихон туманлари битта туман эди) биринчи раҳбари Мурод Жўраевнинг эътиборини тортди. Натижада тумандаги "Узсельхозтехника"да кичик инженерликдан ишни бошлаб, бош инженерликкача кўтарилди.

Ёш мутахассиснинг билими, ишда тажриба орттириши одамлар билан ишлаш, ишчиларга шарт-шароит яратиб бериш, интизомли ва одобли бўлиб иш юритиши оддий ишчи-ходимлар ва раҳбарлар ўртасида Назар Аҳмедовнинг обрўсини оширди ҳамда катта раҳбарлар эътиборига тушди.

1977 йилда "Узсельхозтехника"нинг вилоят бўлими бошқарувчиси биринчи ўринбосари – бош инженер лавозимида ишлади. Қисқа вақтда унинг раҳбарлик қобилиятини илғаган раҳбарлар ҳеч иккиланмасдан ўша пайтда 6 минг киши меҳнат қилаётган вилоят "Қишлоққурилиштрест"ига бошлиқ этиб тайинлашди.

Н.Аҳмедов бу ташкилотни 3-4 йил ичида республикадаги турдош ташкилотлар орасида етакчи ўринга чиқарди. Ташкилотда кадрларни тўғри танлаш, уларда масъулиятни ошириш, бригада пудратини жорий этиш, материал ресурсларини тўғри тақсимлаш эвазига яхши натижаларга эришилди. Вилоятнинг Паст Дарғом, Ургут, Пахтачи, Булунғур, Пайариқ туманларида ғишт заводлари қурилиб, ишга туширилди.

Назар ака 1980 йиллар бошида 300 ўринли "Устоз" санаторийси қурилишини ташкил этди. Бугун бу ерда даволанаётган ҳар бир муаллим, педагог у кишининг хизматини бир бор бўлса-да эслайди.

Эсимда, Назар Аҳмедовнинг иши, эришган муваффақиятлари ҳақида 1981 йил 21 январь куни "Ленин йўли" газетасининг биринчи саҳифасида "Қишлоқ қурилишининг сардори" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Бу 39 ёшли раҳбарнинг ўша пайтдаги ишларига берилган юксак баҳо эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Назар ака 1994-2000 йилларда ўзи туғилиб ўсган Оқдарё туманида ҳокимлик вазифасида ишлади. 6 йил давомида туманда пахта ҳосилдорлиги гектаридан 15 центрдан 25 центргача ошди. Ғалла ҳосилдорлиги ҳам йилига 3-4 центнердан ошиб борди. Натижада 1994 йилда туман хўжаликларининг давлатдан қарздорлиги 4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йил 3,8 миллиард сўм фойда билан якунланди. Бу пайтда 6 та мактаб, 17 та ҚВП қурилиб фойдаланишга топширилди. Туманга табиий газ қувурлари тортилди.

Назар ака нафақага чиққач ҳам жамоат ишидан узоқлашмади. "Ғалаба" фермер хўжалигини бошқарди. Хўжаликда ишлайдиган ҳар бир ишчининг ғам-ташвиши билан яшади, уларнинг дардига шерик бўлиб мушкулларини осон қилди.

Назар Аҳмедов халқпарвар инсон бўлгани учун одамлар ҳам у кишини яхши кўрар эди. У нафақат саҳий, олийжаноб инсон бўлган, шу билан бирга билим ва маърифатда, ҳисоб-китобда, ташаббускорликда ўзининг фикри, панд-насиҳатлари, амалдаги ишлари билан юртдошлари меҳрини, ҳурмат-эътиборини қозонган.

**Абдушукур МУҲАММАДҚУЛОВ,**
**I даражали "Меҳнат фахрийси".**

## Исмат НАЖМИДДИНОВ



Ажойиб дўст, фидойи инсон Исмат Нажмиддинов вафот этди.

И.Нажмиддинов 1944 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Олийгоҳни битиргач, узоқ йиллар ички ишлар идораларида фаолият кўрсатди. Нафақага чиққандан сўнг ҳам турли корхоналарда ички тартиб-интизом назоратида ишлади.

Исмат ака фидойи, оилапарвар инсон эди. Ҳар қандай ҳолатда бировга ёрдам беришдан эринмасди. Давраларда ҳам муомала маданияти ва яхши таклифлари билан ажралиб турарди. Айниқса, дўстларга садоқати юксак инсон эди.

Жойлари жаннатдан бўлсин!

Оила аъзолари ва қариндошларига Аллоҳдан сабр-қаноат тилаймиз.

**БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.**


# "EVEREST STANDART"

**масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Савдога Самарқанд вилояти «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил 30 сентябрдаги навбатдаги умумий йиғилиши 23-сонли баёни, «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамияти бошқарувининг 2020 йил 19 ноябрдаги йиғилиш баённомаси ҳамда жамиятнинг 2021 йил 8 апрелдаги 01-04/60-сонли буюртманомасига асосан «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамиятининг:

Жомбой тумани «AGROKIMYOHIMOYA» унитар корхонасига қарашли, Жомбой тумани Ширинкент МФЙ, Чорвадор қўрғонида жойлашган, жами умумий ер майдони 3100,00 кв.м., умумий қурилиш тагидаги майдони 435,68 кв.м., фойдали майдони 386,87 кв.м.ни ташкил этган **"Усмон Носир" шохобчаси бино ва иншоотлари** (бинолар коди: 0001 - омборхона, 0002 - ҳисобхона, тарозихона, 0002 - айвон, 0003 – қоровулхона, ер майдонисиз) 431 160 000 сўм бошланғич баҳода савдога қўйилмоқда.

Савдо **2021 йилнинг 26 апрель куни соат 11:00 да** савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда - **Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уйда бўлиб ўтади**. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар хабарнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 23 апрель куни соат 18:00.

Юқоридаги кўрсатилган мулк 2021 йил 26 апрель куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулк юзасидан такрорий аукцион савдолар 2021 йил 12 ва 28 май кунлари соат 11:00да Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик) тўхтатилади. Такрорий аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулк ҳамда унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мулк сотувчисининг манзили: Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

*– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.*

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг **15 фоизидан** кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "EVEREST STANDART" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк" Самарқанд филиалидаги ҳисоб рақамига (Ҳ/р: 20208000804455614001, МФО: 00282, СТИР: 205825127) тўлашлари шарт.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзиллар:** Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уй ва Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

**Телефонлар:** 93-356-38-44, 93-349-05-71.

**Расмий сайтимиз:** www.e-standart.uz

**Электрон почта:** e_standart@mail.ru

*Хизматлар лицензияланган.*



# «SAM TRANS GOLD SAVDO SERVIS»

**масъулияти чекланган жамияти 2021 йил 7 май куни соат 11:00 да ўткизиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Аукцион савдосига "Ҳарбий савдо Каттақўрғон" ДУКнинг 2021 йил 2 апрелдаги 15-сонли мурожаат хатига асосан **«АБШ ГАЗ-53»** русумли 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14 MT 861 бўлган, техник носоз ҳолатдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 2 000 000 сўм.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Юқоридаги автотранспорт воситаси 2021 йил 7 май куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2021 йил 17 ва 25 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SAM TRANS GOLD SAVDO SERVIS» МЧЖнинг АТБ "Капиталбанк" Самарқанд филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000200775803001, МФО: 01061, СТИР: 304888015.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-"А" уй.
**Телефонлар:** 66-234-36-50, 91-522-74-09.

*Хизматлар лицензияланган.*


## «ИСТИҚЛОЛ» БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИЛИК МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оқдарё тумани Сиёҳат массивидаги «Истиқлол» боғдорчилик-узумчилик мулкдорлари ширкати маъмурияти узоқ вақтдан буён ширкат билан алоқада бўлмаган ширкат аъзоларини баъзи масалаларга ойдинлик киритиш учун ширкат бошқаруви ходимларига келиб учрашишларини сўрайди.

**Мурожаат учун телефон: 93-994-41-12.**
**ШИРКАТ МАЪМУРИЯТИ.**

### ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Паст Дарғом туман ҳокимлиги захира ер майдони ҳисобига қайтарилган С.Маллаев номли массив ҳудудидаги «Илғор пахта ғалла маскани» ф/х.дан 40,5 га., «Буви Салима» ф/х.дан 29,1 га., «Али бобо» ф/х.дан 9,3 га. ер майдонларида янги фермер хўжалиги ташкил этиш ёки мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча ер ажратиш учун танлов ўтказилади. Қўшимча маълумотларни Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси Паст Дарғом туман филиалидан олишингиз мумкин.

* * *

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Мардиев Раимкул Эсановичга (2020 йил 24 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 48-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Раббимова Насибалига (2012 йил 26 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Хасанова Ойсара Давроновнага (2017 йил 13 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Махмудов Худайбердига (2020 йил 30 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оқдарё туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Тоштемирова Угилой Оллобердиевна номига берилган U № 5377377 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Дустова Дилдора Хамрокуловна номига берилган O'R-A № 762547 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Рахмонқулов Шахрух Абирқул ўғли номига берилган U № 3680049 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-ўрта мактабдан 1993 йилда Абдувалиев Рустем Айдерович номига берилган ВУ № 150658 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Курбонова Дилноза Мустафокуловна номига берилган U № 0572024 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги "OYBEK AZIZ QORASUV" фермер хўжалигининг (СТИР: 303993116) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хушвақтова Дилбар Бахронқул қизи номига берилган U № 3702347 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 70-ўрта мактабдан 1998 йилда Қароева Наргиза Зиёевна номига берилган O'R-A № 0546135 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан «NEGMATJON MAQSUDOV SAXOVATI» фермер хўжалигига қарашли Самарқанд тумани марказий ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган «Иссиқхона» учун 2017 йил 15 мартда берилган 66 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги "DAVLATBEK ABDURAZZOQOV ZAMINI" фермер хўжалигининг (СТИР: 307800755) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Ражабов Зоир Ярашович номига берилган U № 0530375 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ражабов Зоир Ярашович номига берилган O`R-SH № 0260793 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Илҳомов Мақсуджон Раҳим ўғли номига берилган U № 7944662 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежидан 2008 йилда Хушвақов Акром Абдухаликович номига берилган рўйхат рақами 432, К № 863492 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 42- умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Қиличева (ҳозирда Джумакулова) Лола Хамидуллаевна номига берилган O'R-Z № 1249490 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абдусаламов Элдор Хасанович номига берилган UM № 0518706 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ педагогика коллежидан 2015 йилда Ўралов Самар Абдусамат ўғли номига берилган К № 3807656 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Хаитова Нодира Тўлқин қизи номига берилган U № 5923063 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Ахмедов Азамат Мамадалиевич номига берилган U № 3089088 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 109-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Бахронов Одилжон Бобомурод ўғли номига берилган UM № 0546392 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ҳасанов Руслан Мухтор ўғли номига берилган UM № 0542952 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Нуруллаев Нусрат Аваз ўғли номига берилган UM № 0542962 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Мусурмонов Илёс Йўлчи ўғли номига берилган UM № 0542957 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказидан 2013 йилда Худайкулов Нуриддин Элмуродович номига берилган рўйхат рақами 437, № 023166 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Набиев Шерзод Исломович номига берилган U № 1083629 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимлик ахборот хизмати раҳбари, вилоят ҳокимининг матбуот котиби - ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Манучеҳр Мирзаевга онаси

**Майрам ҲОЖИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институт даволаш факультети 4-сон терапия кафедраси мудири Муҳайё Холжигитовага отаси

**БЕРДИҚУЛ бобо**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Вилоят маданият бошқармасида ишлайдиган Сирожиддин дўстим “Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғи марказидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли музей-мажмуасига борганмисиз?”, деб сўраб қолди. Унга шу туманда туғилиб ўсганимни, қарийб бир йил аввал музейнинг очилиш маросимида иштирок этганимни айтдим. У шу қишлоққа яна боришни, кейинги бир йил ичида бўлган ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор бўлиб, мақола тайёрлашни таклиф қилди. Ҳамкасбим билан йўлга чиқдик. Самарқандда ёмғир ёғаётганди. Бу суратга олишимизга халал бериши тайин эди...**

# ЭРГАШ БАХШИнинг

## сандали атрофида дўмбира чертишнинг гашти бошқача



### ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ЎТМИШГА САЁҲАТ

Қўшработ тумани ҳудудига кириб боришимиз билан ёмғир тиниб, Қўрғон қишлоғида баҳор нафаси сезилди. 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида бунёд этилган ва 2020 йил баҳорнинг илк кунида фойдаланишга топширилган музейга ташқаридан қараганда ҳеч қандай ўзгариш сезмадик. Ичкарига киргач, ўтган бир йил давомида ҳудудда кўп ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Музейнинг кириш залида сенсорли мониторлар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижоди, устозлари ҳамда издошлари ҳақидаги видеороликларни томоша қилиш мумкин. Шунингдек, бу ерда бахши ва унинг номидаги музей-мажмуага оид бир нечта сурат-лавҳалар ўрнатилган. Ҳар бир лавҳага “QR-kod”жойлаштирилган бўлиб, меҳмонлар қўл телефонидан код орқали махсус дастур ёрдамида барча керакли маълумотларни олиш мумкин.

Демак, маҳаллада интернет тизими яхшиланибди, Wi-Fi ҳудуди ташкил этилибди. Замонавий қурилмалар орқали ўтмишга саёҳат қилиш имкони пайдо бўлибди.

Бу қишлоқ учун энг катта янгилик. Мажмуанинг очилиш маросимида интернет тармоғи тугул, қўл телефонимиздаги алоқанинг сифатсизлигидан қийналгандик.

### МУАЛЛИМНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БЕСАМАР КЕТМАДИ

Музейнинг ташкил этилишига қишлоқ ўқитувчиси Ойдин Синдоров сабабчи бўлган. Муаллим 20 йил давомида Қўшработ ва унга туташ туманлардаги мингдан зиёд хонадонларга кириб, бахшига тегишли ва у яшаган даврда одамлар фойдаланган кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларини йиққан.

- 1978 йил бахши таваллудининг 100 йиллиги арафасида Ойдин ака томонидан тўпланган ашёларни ўзида жамлаган уй-музейи ташкил этилганди, - дейди музей илмий ходими Аҳмад Синдоров. - Пахса девордан қурилган кўримсизгина музейнинг атрофида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳайкали ва қабри ҳам бўлиб, 2019 йилгача уларга алоҳида эътибор қаратилмаган. Кейинги йилларда катта ишлар амалга оширилди. Музей учун янги бино қурилди. Бахши ҳайкали реставрация қилиниб, мақбараси таъмирланди. Бу ерда кўркам мажмуа, зиёратгоҳ барпо этилди. Музейда бобомиз фойдаланган дўмбира, сандал, ҳасса, ковуш, қамчи, от эгари ва бошқа тарихий ашёлар сақланмоқда.

### ЭРГАШ БАХШИ ИЗДОШЛАРИ

Тумандаги 5-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби қошида бахшичилик тўгараги фаолият олиб боради. Икки йил аввал ташкил этилган тўгаракда дастлаб икки нафар бола қатнашарди. Янги музей қурилгач, бу ерда тўгарак фаолиятини кенгайтиришга шароит яратилди. Натижада тўгарак аъзолари сони 3 нафарга кўпайди.

Ҳаво илиқ кунлари машғулотлар табиат қўйнида, совуқ пайтда эса, музей ичидаги мўъжазгина айвончада ўтказилади.

- Икки йилдан бери бахшичилик сирларини ўрганиб келяпман, - дейди Суннатилла Тоғаймуродов. – Ўтган вақт давомида дўмбира чертишни, термалар куйлашни ўргандим. Достонлардан парчалар ёд олдим. Турли кўрик-танловларда қатнашиб, яхши натижаларга эришдим. Келгусида Эргаш бобомдек бахши бўлишни мақсад қилганман.

### САНДАЛ АТРОФИДА ДЎМБИРА ЧЕРТДИК

Тўгаракка Тоғаймурод бахши раҳбарлик қилади. Биз борган пайтда у 3 нафар шогирдини ёнига олиб, машғулот ўтаётган экан.

- Билсангиззар, дўмбиранинг сеҳри бошқача, - дейди Тоғаймурод бахши қўлидаги соз торларини чертиб қўйиб. – Бохшичиликди тушунган журакларди eритваради. Бундан куй таралаберса достон ва термаларнинг сўзлари қуйилиб келаберади. Ойниқса, Эргаш бобом пойдаланған сандал атрофида ўтирсам бирам илҳамланиб кетаман-ей!

- Қўлингиздаги дўмбира анча кўҳнага ўхшайди-я? – деб сўрадим ундан.

- Ҳа, буни қарийб 40 жил оввал нарпайлик устозим Зиёдилло бохши совға қиған, - дейди у. – Мухбир укам, менга кўп савол берaберманг, илтимос. Шу гапиришдинг ўрниға битта терма ойттирсанғиз ёхши бўларди!

Даврада енгилгина кулги кўтарилди.

### БАХШИЧИЛИК ИФОДАЛИ ШЕЪР ЎҚИШ ЭМАС

Бахши дўмбира чертиб термалардан куйлай бошлади.

- Аҳа, аҳа, аҳа-ҳей, еҳе, еҳе, еҳе-ҳей...

Маза қилиб термаларни тингладик. Уларнинг санъатига қизиқиб:

- Мен ҳам дўмбира чертиб, кўрсам бўладими? – дедим.

Бахши рози бўлди ва ўргатмоқчи бўлиб, яқинроғига чорлади. Қўлимдан келганча дўмбира чертишни бошлаган эдим, устознинг шогирди Суннатилложон елкамдан туртиб:

- Манов тўнни киймасангиз, бошингизга дўппини қўндирмасангиз, дўмбира сизга ярашмаяпти, - деди.

Дўппи ва тўнни кийиб, дўмбира чертиб, болалигимда ёд олган шеърлардан бирини куйга солишга ҳаракат қилдим. Йўқ, уддалай олмадим. Осонмас экан. Айниқса, бахшиёна куйлаш. Томоғим бўғилиб қолди... Аммо завқландим. Эргаш бахшининг сандали атрофида дўмбира чертишнинг гашти бошқача экан.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ.**



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**2001 йил, август**

25 август куни “Шарқ тароналари” III халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросими ўтказилди. Унда 30 мамлакат вакиллари қатнашди ва фестиваль 30 августгача давом этди.

Германия Федератив Республикасининг Мустақил Саксония ерлари иқтисодиёт ва меҳнат вазири Кайо Шомер бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

**сентябрь**

Вилоятда 82 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналар Россия Федерацияси (33), Америка Қўшма Штатлари (12), Туркия (11), Чехия (7), Германия (6), Бирлашган Араб Амирликлари (5) билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Ўтган ўн йил вилоятда 9,1 миллион квадрат метр уй-жой, 107 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 7760 ўринли мактабгача тарбия муассасаси, 2590 ўринли шифохона, 178 та қишлоқ врачлик пункти, 1971 километр сув ва 6590 километр газ узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 5242 нафар 9-синф битирувчисининг 2221 нафари академик лицей ва коллежларга, 1348 нафари ўрта махсус билим юрти ва касб-ҳунар коллежига жалб қилинди. Мактаб битирувчиларининг 6498 нафари республиканинг турли ўқув юртлари ва 8074 нафари ўрта махсус билим юртига ўқишга кирди. АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорликда шу пайтгача 37 нафар ўқувчи Америка ўрта таълим мактабларида таҳсил олиб қайтди.

11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра, Самарқанд вилояти ҳокими Эркин Рўзиев вазифасидан озод қилинди.

11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига кўра, Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёев вазифасидан озод қилиниб, Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди.

Самарқандга йил бошидан буён 111 минг сайёҳ ташриф буюрди.

**октябрь**

Вилоят ички безлар касалликлари диспансери қошида 100 ўринли диабетологик марказ очилди.

Самарқанд шаҳрида республика Турк миллий маданий маркази бўлими фаолиятини бошлади.

**XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Арший тахаллуси билан девон тартиб берган Хўжа Ёқуб Хўжа Жаҳон (1685–1755 йиллар) исмли ҳукмдор-шоир фаолият олиб борган. Тахминан 1724–1730 йиллар оралиғида Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида ўқиган Арший туркий, форс ва араб тилларида шеърлар ижод қилган. 1735–1759 йиллар орасида Ёркент ҳокими бўлишига қарамасдан Арший ҳар пайшанба куни “Олтин” деб аталувчи мадрасада талабаларга дарс берган. Улар орасида мовароуннаҳрлик талабалар ҳам таҳсил олган.**

# Хўжа Жаҳон Арший Алишер Навоийни устоз билган



Хўжа Жаҳоннинг ҳукмдорлиги даврида туркий шеърият ривожланиши билан бирга форс, араб тилларидан қатор нодир манбалар таржима қилинди. Бу даврда Қосимийнинг “Тазкираи Арслонхон”, муаллифи номаълум “Тазкираи Султон Сутуқ Буғрохон Ғозий”, Ниёзийнинг “Тазкираи Заҳиулло”, Муҳаммад Амин Садр Қашқарийнинг “Дур ул ахбор”, Шоирохуннинг “Исломнома” номли тазкираси, тарихий асарлар, баёз ва девонлар майдонга келди.

Хўжа Жаҳон маърифатпарварлик ишларида ҳам, бадиий адабиётда ҳам ўзига устоз деб Алишер Навоийни билган ва буни очиқ ойдин шеърларида келтириб ўтган:

*Нетай жаннатда бўлса, юз туман ҳур,*
*Жаҳон боғида бир ҳурлиқо бас.*
*Чек эмди Арший турлук навони,*
*Навоий савтида наво чексанг бас.*

Арший Алишер Навоийни жаннатдаги пок маҳлуқотлардан ҳам устун ва аъло билиб, унга ҳар жиҳатдан эргашишга, гарчи, дунёда кўплаб наволар бўлса-да, айнан Навоий навосида куй чалишга, яъни устоз услубида ижод қилишга эътибор қаратган. Арший шеърларида Алишер Навоий руҳига ғойибона мурожаат қилади, ҳазрат руҳидан мадад тилайди:

*Хисраву, Фарҳоду, Мажнун бош кўтармас Рўзи ҳашр,*
*Бу жаҳонча чунки ишқим шоъна алвонин кўриб.*
*Бенаво Арший тилар руҳи Навоийдин футуҳ,*
*Мурғзори назм аро мурғи хуш алҳонин кўриб.*

Гоҳида шоир Алишер Навоийдек устоз руҳи олдида ўзини ожиз сезади, гоҳида эса устози каби чиройли баёт битганидан фахрланади:

*Навоий гарчи наво топмайин ўлуб сиздин,*
*Қўллангки эмди сиз, Арший навога боқинг.*
*Алишер Навоийнинг бир ғазал мақтаси қуйидаги кўринишга эга:*
*Навоий шояд ул раҳравға бу мақсуд насиб ўлғай,*
*Ким ул дашти фано қатъ эткали йиллар рақам чекти.*

Арший улуғ устоз хулосасига ўзига хос тарзда жавоб беради:

*Диёру назм аро шонлиғ Навоий гарчи кўп сурди,*
*Гадо Арший ҳам хон сўз мулкида йиллар қадам чекди.*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Арший” тахаллуси билан ижод қилган Хўжа Жаҳон Чиғатой улуси ҳукмдор адиблари Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбоний, Убайдийга тақлидан ҳукмдорлигини ижодкорлик билан ҳамоҳанг олиб борган. Футуҳий, Зуҳурий тахаллуслари билан шеър битган фарзандлари билан биргаликда Алишер Навоийдан ўрнак олиб, юрт равнақи, маданияти, адабиёт ва санъатнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

**Эркин МУСУРМОНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

# Мактуб

**Турмуш чорраҳаларида**



Сайёра кириб келганида Норгул момо кўрпа-тўшак қилиб, эшикка термулиб ётарди.

- Моможон, нима бўлди, тобингиз қочдими? – Сайёра унинг ёнига чўкди. – Пенсиянгизни олиб келувдим.

- Туробжондан хат-хабар йўқми? Жуда соғиндим, боламни! Олти ой бўлди, пул ишлаб келаман деб четга чиқиб кетганига. Ҳувиллаган ҳовлида ёлғиз ўзим сўппайиб ўтирибман. Бир кун соғ бўлсам, икки кун касалман. Болажонимнинг дийдорини кўрмай ўлиб кетаманми, деб қўрқаман, айланай. На хат, на хабар бор!

- Кўп сиқилманг, моможон. Ўғлингиз келади, уйлантирасиз, невара-чеварали бўласиз. Мана пенсиянгиз, - Сайёра момонинг пенсиясини бериб, кўнглини кўтариб қайтди. У онаизорни қандай қилиб дардига малҳам бўлишни ўйлаб бир неча кун қийналиб юрди. Почтада ўтириб кўп ўйлади.

Орадан ҳафта ўтгач, қўлида Туробжондан келган хат билан кириб борди. Хатни кўриб момонинг чеҳраси ёришди. Хатни кўзига суртди.

- Вой, хат ёзган қўлларидан айланай боламнинг, илоё боши омон бўлиб, соғ-саломат тезроқ бағримга қайтиб келсин. Сенга ҳам раҳмат, почтачи қизим. Оч, ўқи-чи! Ишқилиб саломатмикан, болагинам?

Сайёра хатни очиб, овоз чиқариб ўқиди: “Салом онажон! Соғ-саломатмисиз? Сизни жуда соғиндим. Тез орада бораман. Мендан хавотир олманг, соппа-соғман!

Сизни қучиб ўғлингиз Туробжон!”

- Вой, онажон деган тилларингга жоним қоқиндиқ, - Норгул момо кўзларига қўйилиб келган қувонч ёшларини енги билан артди. – Сайёрахон ўтир қизим, дастурхон ёзиш ҳам ёдимдан чиқибди.

Момо касалини ҳам унутиб чаққон ўрнидан турди. У севинганидан ўзини йўқотиб қўйганди. Фарзанд дийдорига муштоқ онаизор қувончини кўриб Сайёра хўрсиниб қўйди. Момо хатни Сайёра ёзганини хаёлига келтирмасди.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# “Тақиқли кунлар”

**Самарқандлик таниқли шоира Хосият Бобомуродованинг шу номдаги шеърлар тўплами “QAMAR MEDIA” нашриётида чоп этилди. Ушбу китоб бутун жаҳон халқларининг бошига тушган бало – тожли вирус офати муносабати билан эълон қилинган чеклов кунларида ёзилган.**




Бу вақтда учрашувлар, тўй-ҳашам ва бошқа тадбирлар чекланди. Боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари ёпилди. Шоира бу синовни енгишда халқимизга сўзлари билан далда бўлди, миллатни бирликка, аҳилликка чорлади:

*Бахт ҳам бахтсизлик ҳам алмашиб келар,*
*Сув сел бўлса, кўпириб, тошиб келар.*
*Биров гул, бировлар гап ташиб келар,*
*Ҳар не келса енгиб, қир бўлган халқмиз,*
*Бошига иш тушса бир бўлган халқмиз!*

Пандемия даврида кўринмас балодан ҳимояланиш учун юзимизни ниқоб билан бекитдик, “Уйда қолинг”, деган шиорга амал қилдик. Ҳатто бир уйда яшаб, яқинларимиз билан дийдор кўришишдан мосуво ҳам бўлдик. Шоира қалбларни куйдирган бу ҳисларни қаламга олиб, вирусни сабр-бардош, мустаҳкам ирода билан ҳайдашга даъват этди ва буни “Сабр гўзалдир” шеърида қуйидагича ифодалайди:

*Тур, деса югурган, уйғонган халқим,*
*Кел, деса ой каби чиққанлар балқиб,*
*Сабр ҳам гўзалдир уйда қолинглар,*
*Офатдан сабр ила қасос олинглар.*

Китобни ўқир экансиз, Ватан мадҳи, умр дафтари, халқ фаровонлиги, дийдор ширинлиги ва меҳр-оқибатнинг қадр-қиммати ҳаёт ҳақиқатлари билан йўғрилганлигига гувоҳ бўласиз.

**Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.**

# Бировни тишлаган итни ўлдириш керакми?

**Жонивор бирор одамни тишлаб олса, албатта уни ветеринария идорасига олиб бориш ва у ерда ўн кун кузатувда туриши лозим.**

Баъзилар ити бировни тишлаб олгач, уни йўқотишга уринишади, бу нотўғри хатти-ҳаракат. Бирор одамни тишлагандан сўнг итни атайлаб йўқотиш ёки ўлдириш мумкин эмас. Уй ҳайвони ветеринар назоратида бўлиши лозим. Бу эса ўз ўрнида итдан жароҳат олган одамнинг қутуришга қарши эмланишини тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Итни ёки бошқа ҳайвонни боқиб олишда маҳалладан ва ён атрофдаги қўшнилардан рухсат олиш керак. Итни оч қўйиш, қийнаш, уриш ва азоб бериш мумкин эмас. Бу ҳолатда итнинг иммун ҳолати пасайиб қутуришга мойиллиги ошади.

Итларни болалар муассасаларида, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган жойлар, даволаш муассасаларида, жамоат транспортларида айлантириш ва сақлаш мумкин эмас.



**Саволга Самарқанд шаҳар санитария - эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими врач-эпидемиологи Маҳмуд ШОДМОНОВ жавоб берди.**

Zarafshon
Самаркандский вестник

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 185 nusxada chop etildi. Buyurtma 263

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.
Navbatchi: Y.MARQAYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009